

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**Dsc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТЕМИРОВА ГУЛНОЗ ИБОДОВНА**

**ТАБИИЙ МЎЙНАДАН АЁЛЛАР УСТКИ КИЙИМИНИ**  
**ТАЙЁРЛАШ УСУЛИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.04 – Тиқувчилик буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати  
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Темирова Гулноз Ибодовна**

Табиий мўйнадан аёллар устки кийимини тайёрлаш усулини яратиш..... 3

**Темирова Гулноз Ибодовна**

Разработка способа изготовления верхней женской одежды из натурального  
 меха ..... 23

**Temirova Gulnoz Ibodovna**

Development of a method for making women's outerwear from natural fur..... 42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 44

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**Dsc.03/30.12.2019.T.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ТЕМИРОВА ГУЛНОЗ ИБОДОВНА**

**ТАБИИЙ МЎЙНАДАН АЁЛЛАР УСТКИ КИЙИМИНИ**  
**ТАЙЁРЛАШ УСУЛИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.04 – Тикув буюмлари технологияси ва костюм дизайни**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацииси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация  
комиссиясида В2021.2.PhD/T247 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент  
тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида  
(www.titli.uz) ва «Ziyounet» ахборот тавлим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ташқулатов Салих Шуқурович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Ишмағоли Фатима Усмонова**  
техника фанлари доктори, профессор

**Исмоилова Раъно Музаффаровна**  
техника фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги  
илмий даражалар берувчи Dsc.03/30.12.2019.T.08.01 –рақамли Илмий кенгаш кенгашнинг  
2021 йил “10” июль соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент  
шаҳри, Шоҳжаҳон кўчаси, 5. тел.: (+99871) 253-06-06, факс:(+9987) 253-36-17, e-mail:  
titlr\_info@edu.uz, ТТЕСИ маъмурий биноси, 222-хона).

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-  
ресурс марказида танишиш мумкин (№99 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил:  
100100. Тошкент шаҳри, Шоҳжаҳон-5. Тел. (+99871) 253-06-06. e-mail: titlr\_info@edu.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил “26” июнь кунни тарқатилди.  
(2021 йил “26” июндаги 99 рақамли реестр баённомаси).



**И.Қ.Сабилов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, т.ф.д.

**А.З.Маматов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, т.ф.д.

**И.А.Набиева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда энгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш орқали тикувчилик маҳсулотларини жумладан, табиий қорақўл хомашёсидан тайёрланадиган буюмларининг рақобатбардошлигини ошириш, уларни ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш ҳисобига маҳсулот истеъмол хусусиятларини янада яхшилаш ҳамда сифатли мўйна маҳсулотларини олишда энергия-ресурстежамкор технология ва техника воситаларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида тикувчилик ва энгил саноат соҳасида ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда таннархини камайтириш мақсадида мўйнали кийимларни тайёрлаш жараёнида маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни бартараф қилиш усуллари ва воситаларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан мўйнали кийимларни тайёрлаш жараёнида ҳосил бўладиган чиқинди (кийқим)лардан оқилона фойдаланиш ва сифатли мўйна маҳсулотларини олиш харажатларини камайтирувчи, ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда юқори сифатли мўйна маҳсулотларининг такомиллашган технологиялари ва уларни амалга оширадиган механизмларни ишлаб чиқиш, мавжуд технологияларнинг илмий асосларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир этадиган омилларни аниқлаш, тикувчилик машина ва жиҳозлари технологик имкониятларини чуқур тадқиқ этган ҳолда технологик параметрларни асослашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, мўйнали маҳсулотларни сифат кўрсаткичларини яхшилаш, рақобатбардош кўрсаткичларга эга бўлган кийим ишлаб чиқариш, уларнинг эстетик ва гигиеник хоссаларини яхшилаш ва буюмни сифатини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қорақўлчилик соҳасига инновацион технологияларни жорий этиш орқали ресурстежамкор, рақобатбардош ҳамда эстетик жиҳатдан бежирим экспортбоп мўйнали буюмларни янги ассортиментларини яратиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хом ашё манбааларини қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, ички ва ташқи бозорни принципиал янги ишлаб чиқарилган иккиламчи ресурслардан фойдаланиб, импорт ўрнини босувчи рақобатбардош миллий халқ истеъмол моллари билан таъминлаш ва иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берувчи замонавий технологияларни ўзлаштириш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

вазифаларни амалга оширишда, жумладан, тикув буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барқарор фаолият юритишларини таъминловчи замонавий технологиялар тадбиқи ва мавжуд иккиламчи натижадор хомашёларни қайта ишлашнинг самарали усулларини яратиш, ресурстежамкор технология асосида коллаген таркибли полимер композицияларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 14 мартдаги ПҚ-3603-сон «Қорақўлчилик соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2019 йил 18 мартдаги ПҚ-4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг II «Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтгача чарм ва мўйнага ишлов бериш, улардан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш технологиясининг илмий асосларини яратган ва такомиллаштиришга оид бир қатор олимлар, жумладан Е.Х.Меликов, Ф.М.Пармон, Е.Г.Андреева, И.В.Черунова, Л.В.Лопасова, Л.А.Терская, Г.П.Зарецкая, Е.М.Базаев, Н.Б.Рыкова, Э.И.Токторбаева, Е.В.Шкаброва, Э.В.Табитуева, И.И.Сячин, Я.С.Эткин, Р.Р.Абдырасулова, И.Л.Найданова, З.П.Марсакова, Е.М.Петрова, А.Ш.Аппаков, С.В.Голичков, А.А.Головтеева, Е.Н.Василенко, Н.А.Ибрагимова, Ж.Ю.Койтова, Н.С.Викторова, М.Петтенкофер, А.В.Доброславин, М.Рубнер ва бошқалар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Республикада чарм ва мўйнага ишлов бериш, улардан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш бўйича илмий тадқиқотлар С.Ш.Ташпулатов, Т.Ж.Қодиров, М.И.Темирова, Ф.Ф.Казаков ва бошқалар томонидан бажарилган.

Мазкур тадқиқотлар натижасида чарм ва мўйна чикиндиларидан иккиламчи қайта ишлаш асосида коллаген таркибли полимер композициядан тўлақонли фойдаланиш орқали инновацион ресурстежамкорликка оид технологияларни яратишда буюмларнинг физик-механик ҳамда гигиеник хоссаларини инобатга олиш, ҳар томонлама қулай, енгил, бежирим ва турли фаслларга мўлжалланган кенг ассортиментдаги тикув буюмларини ресурстежамкорлик технология асосида ишлаб чиқаришга жорий қилиш, тайёрланадиган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичларини оширишнинг мақбул вариантларини яратиш ва технологик жараёнларни такомиллаштириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар етарлича ўтқазилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №8-18 «Бичиш жараёнида ҳосил бўладиган мўйна қийқимларини навлаш ва уларни бириктиришнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш» ҳамда №15-18 «Мўйна қийқимларидан тикув буюмларини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш комплекс технологиясини яратиш» мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** табиий мўйнадан аёллар устки кийимини тайёрлашнинг ресурстежамкор усулини яратишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

табиий мўйнадан тикув буюмларини ишлаб чиқариш технологиясини ресурстежамкорлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиш;

турли шаклдаги нақшлардан фойдаланган ҳолда бадиий безаш усулларини кўллаб, устки кийим тайёрлашнинг ресурстежамкор технологиясини такомиллаштириш усулларини таҳлил қилиш;

иқлим шароити омилини ҳисобга олган ҳолда, табиий мўйнадан тайёрланган кийим ишлаб чиқаришнинг инновацион усулини яратиш;

мўйнали маҳсулотлар олишнинг ресурстежамкор технологик жараёни кетма-кетлигини шакллантириш;

ресурстежамкор технология асосида тайёрланган табиий мўйна маҳсулотларининг физик-механик, гигиеник ва бошқа хусусиятларини кийимдан фойдаланиш шароитига қараб мослаштириш механизминини яратиш;

устки кийим ишлаб чиқаришнинг инновацион ресурстежамкор усулини корхона шароитида апробациядан ўтказиш, тадбиқ қилиш ва иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республикамизда етиштириладиган қоракўл мўйнали кийим деталларини бичиш вақтида ҳосил бўладиган қоракўл мўйна қийқимлари (чиқиндилари) ва ундан тайёрланган маҳсулот.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида табиий қоракўл мўйна қийқимлари (чиқиндилари)га коллаген таркибли полимер композиция кўлланилган аёллар устки кийимининг ресурстежамкор технологик жараёнлари.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида назарий механика қонуниятлари, статистик таҳлил, тажриба натижаларни қайта ишлашнинг кичик квадратлар, коллаген таркибли полимер композицияни кўллаб олинган табиий мўйнали пакетларнинг гигиеник хоссаларини аниқлаш усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

елим композициясидан фойдаланган ҳолда устки кийим тайёрлашда ҳосил бўлган табиий мўйна қийқимларини бириктиришнинг ресурстежамкор усули яратилган;

турли шаклдаги нақшлардан фойдаланган ҳолда бадиий безаш усуллари кўллаб, табиий мўйнали устки кийим тайёрлашнинг ихчамлаштирилган янги технологияси яратилган;

чарм саноати чиқиндисидан фойдаланилган ҳолда коллаген асосли полимер композициясини яратишнинг самарали усули ишлаб чиқилган;

табиий мўйнали тикув буюмидан фойдаланиш шароитидан (ёзги, кишиги, мавсумбоп) келиб чиқиб, физик-механик, гигиеник ва бошқа хусусиятларини мослаштириш боғлиқлиги ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

табиий мўйна қийқимларидан аёллар устки кийимини тайёрлашда коллаген таркибли полимер композицияни кўллаш орқали ресурстежамкорлик технологияси ишлаб чиқилган;

табиий мўйна қийқимларини кўллаган ҳолда тикув буюмларини ишлаб чиқаришнинг инновацион ресурстежамкор усули яратилган;

табиий мўйнали пальто тайёрлаш технологияси асосида саноат намунаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги изланишларнинг замонавий таҳлил усуллари ва ўлчаш воситаларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва тажрибавий изланиш натижаларининг ўзаро мослиги, тавсия қилинган тадқиқот натижаларининг ишлаб чиқаришга кенг кўламда кўлланиши ва уларни ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ижобий баҳоланганлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мўйнадан аёллар устки кийими саноат буюмларини ишлаб чиқариш корхоналарида ресурстежамкор технология асосида табиий мўйнадан аёллар устки кийимини тайёрлашда коллаген асосли полимер композицияни кўллаб, қийқимларни асосга бириктириш усулининг яратилганлиги, шу билан бирга, буюмнинг физик-механик, гигиеник ва бошқа хусусиятларини кийимдан фойдаланиш шароитига қараб мослаштириш механизмининг яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мўйнали пакетдан ишлаб чиқилган ресурстежамкор технология вақт ва меҳнат сарфи ҳамда хомашё исроф бўлишини камайиши ҳисобига ҳар томонлама қулайлиги ва эстетик хусусиятларининг яхшиланиши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ресурстежамкор технология асосида коллаген асосли полимер композицияни кўллаб табиий мўйнадан аёллар устки кийимини ишлаб чиқаришнинг инновацион янги усулини яратиш бўйича олинган натижалар асосида:

табиий мўйна қийқимларини кўллаган ҳолда тикув буюмларини ишлаб чиқаришнинг инновацион ресурстежамкор усулига Россия Федерациясининг Интеллектуал мулк федерал хизматининг ихтирога патенти олинган (RU 2705148, 2019 й.). Натижада табиий мўйна қийқимларини бириктиришнинг янги усули ишлаб чиқилган;



табиий мўйнадан аёллар пальтосини тайёрлашнинг инновацион ресурстежамкор технологиясига Россия Федерациясининг Интеллектуал мулк федерал хизматининг саноат намунасига патенти олинган. (RU 118086, 2019 й.). Натижада аёллар устки кийимини тайёрлаш учун сарфланадиган вақтнинг ва меҳнатнинг тежалишига эришилган;

қоракўл мўйнасидан кийим деталларини бичиш жараёнида ҳосил бўладиган мўйна кийимларини навлash ва уларни бириктиришнинг инновацион усули «Ўзчармсаноат» уюшмаси таркибидаги корхонада, жумладан «Меховая мода» МЧЖда тадбиқ этилган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2019 йил 20 сентябрдаги ФБ-7/2384-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида табиий мўйнадан аёллар устки кийимларига ишлов бериш технологик жараёнининг самарадорлиги 75% гача ошириш ва маҳсулот таннархини 45% гача камайтириш имкони яратилган;

инновацион ресурстежамкор технология асосида табиий мўйна кийимларидан тикув буюмларини ишлаб чиқишнинг яратилган янги усули «Ўзчармсаноат» уюшмаси таркибидаги корхонада, жумладан «Узоқ» МЧЖда жорий этилган («Ўзчармсаноат» уюшмасининг 2019 йил 20 сентябрдаги ФБ-7/2384-сон маълумотномаси). Тадбиқ этилиши натижасида табиий мўйнадан аёллар устки кийимларини технологик жараёнининг самарадорлиги 70% га ошириш ва маҳсулот таннархини 40% га камайтиришга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий натижалари 26 та илмий-техник конференцияларда, шунингдек, 10 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган. Шунингдек, «Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси» Биринчи Республика танловида ғолиблик Дипломи билан тақдирланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 42 та, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертация ишиларини асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий иш, жумладан 2 та хорижий ва 6 та республика журналларида мақолалар нашр қилинган, 2 та патентлар (шулардан 1 та ихтирога ва 1 та саноат намунасига) олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил қилади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган,

тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация ишининг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Табиий мўйнадан аёллар устки кийимини ишлаб чиқариш технологиясининг таҳлили**» деб номланган биринчи бобида табиий мўйнадан аёллар устки кийимини тайёрлаш технологиясининг таҳлили, мўйна буюмларини тайёрлашда коллаген таркибли полимер композициядан фойдаланиш йўллари, табиий мўйнадан устки кийим тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш йўллари кўрсатилган.

Устки кийим тайёрлаш технологиясининг таҳлили шуни кўрсатадики, мўйнали кийимлар тайёрлашда турли хилдаги мўйна ярим тайёр маҳсулотлари ишлатилади.

*Устки кийим тайёрлашда табиий мўйнали пакетни шакллантиришнинг маълум усули, узун сочли мўйнадан тўрт бурчак (ўлчами 1×2 см) шаклдаги бўлакчаларни шахмат нақшида ипак матога бириктириш натижасида ҳосил қилиб тикилган мўйна қисмларини билдиради (1-расм).*




1-мўйна бўлаклари,  
2-ипак мато.

**1-расм. Ипак матога мўйна бўлакларини шахмат усулда ячейкаларга териб жойлаштириш.**

Таърифланган усулда мўйнали пакет тайёрлашнинг *камчилиги* шундаки, бунда мўйнани кичик қисмларга ажратиш зарурати туфайли уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашишига олиб келади.

Табиий мўйнали пакетдан кийим тайёрлашнинг яна бир *маълум усули*, бу териларнинг ностандарт қисмларини ҳамда мўйнали терининг оёқ қийқимларини ишлатишдан иборат. Бу усул мато (замш) ва мўйнали теридан кесилган тасмаларнинг ўзаро бириктирилиши туфайли уларнинг чизиқли ўлчамлари сезиларли даражада ошиши билан боғлиқ. Усул нақшга мувофиқ бўлакларни қирқиш



1-мўйна тасмалари,  
2-замш тасмалари,  
3-асос.

**2-расм. Мўйна тасмаларидан тайёрланган кийим олд бўлаги.**

натижасида ҳосил бўлган ностандарт мўйнали хомашёни қайта ишлашни маълум даражада кенгайтиради. Бу усул бирлаштирувчи материал туфайли битта тайёр буюм учун ярим тайёр мўйнали маҳсулот миқдорини тежашга имкон беради, аммо мўйнали матони текислаш ва қуритиш жараёнларининг мураккаблиги ва кўп вақт талаб қилиши ҳисобига мўйна пластиналарини тайёрлашдаги меҳнат сарфини оширади (2-расм).


Таҳлил жараёнидаги маълум усулнинг *камчилиги* - бу мўйнали пакетларнинг чизиқли ўлчамларининг пасайиши, тикишда қирқимларни чокка кириб бориши, уларни текислаш жараёнини

кийинлиги, мўйнани қуритиш, тери тўқимасини мустаҳкамлаш каби технологик жараёнларнинг муқаррарлиги ҳамда мўйнани кичик қисмларга ажратиш зарурати туфайли уларнинг ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашишига олиб келади.

Ошланмаган чарм чиқиндиларини иккиламчи қайта ишлаш асосида коллаген таркибли полимер композициядан тўлақонли фойдаланиш орқали табиий мўйнадан аёллар устки кийимини ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқишда бичиш жараёнидан қолган қийқимлардан чексиз нақшдаги безакларни тайёрлаш ва турли иқлимга мўлжалланган кийимларни олиш мумкинлиги аниқланган.

Диссертациянинг иши «**Кийим ассортиментини лойиҳалашда табиий мўйнали материаллар пакетини шакллантириш хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида табиий мўйнали пакетидан ресурстежамкорлик асосида кийим тайёрлашнинг технологик жараёнлари схемасини (тизимини) шакллантириш, табиий мўйнали материал пакетини шакллантиришнинг янги усулини ишлаб чиқиш, коллаген асосли полимер композицияси таркибини яратиш, коллаген асосли полимер композициядан табиий мўйнали пакетларнинг эксплуатацион ва технологик хоссалари ҳамда коллаген асосли композиция таркибининг мўйнали кийим технологиясига таъсири ўрганилган.


3-расмда мўйнали буюмлар тайёрлашнинг ресурстежамкор технологик жараёнлари кетма – кетлиги схемалар орқали шакллантирилган.



**3-расм. Мўйнали пакетдан ресурстежамкорлик асосида кийим тайёрлашнинг технологик жараёнларини шакллантириш схемаси (тизими).**

Чиқиндилардан ресурстежамкорлик асосида тайёрланган мўйнали пакет (тўқимачилик асос-бўз+мўйна қийқимлари+КТП композиция+попоп чок)лардан кенг ассортиментдаги буюмларни ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга.

Табиий мўйнали пакетни ташкил қилувчи элементларидан тайёрланган схема 4-расмда келтирилган.



- 1-Асос (тўқимачилик матоси-бўз);
  - 2-КТП композиция;
  - 3-Бичиш жараёнида ҳосил бўлган турли хил шаклдаги қорақўл мўйна чиқиндилари;
  - 4-Бир ипли занжирсимон попоп чок.
- 4-расм. Табиий мўйна пакетини ташкил этувчи компонентлар.**

Пакет учун асос бўлиб хизмат қиладиган тўқимачилик матосини тўғри танланган ҳолда мақсадга эришилади. Масалан, тўқимачилик асосини пальтолик газламадан тайёрлаб-қишги мавсумга; тўқимачилик асосини костюмлик газламадан танлаб-кузги-бахорги мавсумга мўлжалланган кийимлар учун пакетлар тайёрлаш мумкин. Ушбу ишда асос сифати ҳаво ўтказувчанлиги юқори бўлган бўз матоси танланган.

Тикувчилик ишлаб чиқаришда кимёвий препаратлардан фойдаланиш энг долзарб масалаларидан биридир. Бу препаратлар кимёвий препарат билан детал қирқимлари ва тўқимачилик матоларига ишлов беришдан мақсад, уларни толали структураларини бузилишдан ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлигини ошириш.

*Қўйилган мақсадга қуйидагича эришилади.*

Ошланмаган чарм чиқиндилари 5% ли натрий гидроксид эритмасида эритилади ва сирка кислотасида нейтралланади. Олинган эритма филтрланиб, унга коллаген массасига нисбатан 20-50 % акрил кислотаси қўшилади, акрил кислотани массасига нисбатан 2-4 % микдорда персулфат калий қўшилади. Шакл ҳосил қилувчи юзага коллаген таркибли композиция суртилади ва шаклланиш, қуритиш 60-70<sup>0</sup>С ҳароратда жараён 3 соат давом этади.

Иссиқлик таъсири остида коллагенни акрил кислота билан сополимерланиши амалга ошиб, шакл берувчи асос толаларда шаклланади. Бунинг натижасида толалар системасида кимёвий боғ ҳосил бўлиб, бу толалар системаси полиакрил кислота билан коллаген ўртасида вужудга келади.

Коллаген таркибли шакллантирувчи материал олишда таклиф қилинадиган композиция таркиби қуйидагича (изох: коллаген сифатида 15-44 мм<sup>2</sup> ўлчамдаги ошланмаган чарм чиқиндиларидан фойдаланилди).

Шакллантирувчи материални тайёрлаш усулида таклиф қилинган КТ композициядан фойдаланиш қуйидаги афзалликларга эга;

- шаклбарқарорлиги юқори;

- коллаген полеакрил кислота билан толаларни бириктиргани учун шаклланишнинг нам ишлов беришда юқори барқарорлиги;
- композиция таркибини ўзгартириб ва компонентларни ётқизиш кетма-кетлигига қараб, материалнинг қайишқоқ-мустаҳкамлик хоссаларини ўзгартириш имкони яратилганлиги;
- яна бир афзаллиги композицияни ҳар хил шаклда тайёрлашни осонлиги.

1-жадвал

**Коллаген асосли полимер композиция таркиби, %.**

№	Компонентлар	Синов вариантлари					
		I	II	III	IV	V	VI
1	Акрил кислота,%	40	20	30	50	40	20
2	Персульфат калий, %	2	3	3	2	4	3
3	Ўювчи натрий,%	5	5	5	10	5	5
4	Натрий сульфат,%	-	-	-	-	5	5
5	Ҳарорат, 0С	60	60	65	70	60	70
6	Сув, %	53	72	62	38	46	67

Коллаген таркибли шаклланган материални олиш гидроксид эритмасида ошланмаган чарм чиқиндиларини эритишдан сирка кислота ёрдамида нейтраллашнинг филтрациясидан, бириктирувчи реагентни қўшишдан, композицияни сиртга ётқизишдан иборат ва суртилгандан кейин қуритиш, маълум ҳарорат ёрдамида материални шакллантиришнинг фарқи шундан иборатки, коллагенни полеакрил кислота ёрдамида толаларга бирикиши термофиксация ёрдамида 60-70<sup>0</sup>С ҳароратда 3-4 соат муддатда КТ композициядан фойдаланиш эвазига амалга оширилади, бунда коллаген массаси 20-40%, бириктирувчи реагент сифатида акрил кислота 15-30%, персульфат калий 0,3-1,2 % ҳамда сув ташкил этади.


Ихтиро энгил саноатга таълуқли бўлиб, бу усулдан фойдаланиб КТ материал олиш учун шаклланган буюм тайёрланилади. Бу усул ошланмаган чарм чиқиндиларини натрий гидроксидида эритишнинг нейтраллашнинг бириктирувчи реагентни қўшишда ва бу ҳосил бўлган композицияни талаб қилинадиган шакл бериб суртишда ва суртилган композицияни қуритишдан, материални шаклланишини маълум температурада ҳосил қилишдан иборат. КТ композиция қўйидаги моддалардан ташкил топган унинг таркибида коллаген массаси 20-40% ни, акрил кислотаси 15-20% ни, персульфат калий 0,3-1,2 % ва қолгани сувдан иборат бўлади. Бу ихтиро шаклланишни мустаҳкамлигини ва шаклбарқарорлигини ошириб, шаклланган материални нам ҳолатда ишлов бериш мустаҳкамлигини оширади.

Ушбу композиция таркибида формалдегид мавжуд эмаслиги боис санитария-гигиена кўрсаткичларини яхшилашга олиб келади.

*Янги усулни ишлаб чиқиш.* Бу усулда тайёрланган мўйнали пакет тайёрлаш мўйна чиқиндиларидан мақсадли фойдаланиб юқори гигиеник хоссаларга (ҳаво ўтказувчанлиги яхшиланган) эга кийим-кечакларни тайёрлашда ёрдамчи деталларсиз (астар, қотирма), кам операцияли

технологик жараёнлар натижасида шаклбарқарор маҳсулот олишга имкон беради.

Бунда мўйнали қийқимлар (5-расм, 2) тери тўқимаси остига КТП композиция (5-расм, 3) ётқизиб асос (тўқимачилик матоси-бўз)га (5-расм, 1) елимлаш натижасида мўйнали қийқимлар ораликларида турли хил ўлчамдаги бўшлиқлар ҳосил бўлади, бу бўшлиқлар бир ипли занжирсимон попоп чок (5-расм, 4) билан тўлдирилади (5-расм).



1- асос (тўқимачилик матоси-бўз); 2- табиий мўйна қийқимлари; 3- КТП композиция; 4- бир ипли занжирсимон попоп чок.

**5-расм. Мўйнали қийқимларни мато қисмига бириктириш схемаси.**

Мўйна қийқимлари кийим деталларига жойлаштирилиб (турли хил ўлчамли: агар жойлашув орасидаги масофа катта бўлса-ҳаво ўтказувчан; агар жойлашув орасидаги масофаси кичик (яқин) бўлса иссиқ сақловчи бўлади), уларнинг четки қирралари ва қийқимлари орасида қолган бўш жойлари занжирсимон попоп чок ёрдамида бириктирилиши натижасида маҳсулот тайёрлаш жараёнлари соддалашади, ишлаб чиқариш вақти қисқаради. Бу усул ёрдамида турли хил хоссалари (иссиқ сақловчи, ҳаво ўтказувчи) яхшиланган мўйнали пакетлар олишга имкон яратилади.

Ишлаб чиқилган усул чизмалар билан тасвирланган бўлиб, мўйнадўзликда бичиш вақтида ҳосил бўлган турли ўлчамдаги ва кўринишдаги мўйна чиқиндилари (6-расм) ишлатилади.



**6-расм. Мўйнадўзликда бичиш вақтида ҳосил бўлган ишлаб чиқариш чиқиндилари.**



**7-расм. Мўйнадан кесиб тайёрланган турли рангдаги ва шаклдаги намуналар.**



**8-расм. Табиий мўйнадан тайёрланган шаклларнинг тери тўқимасига КТП композиция қўллаш.**

Мўйна чиқиндилари турли шаклларга (7-расм) келтириб кесиб олинади.

Кесиб тайёрланган шаклларнинг тери тўқимаси остига КТП композиция (8-расм) қўлланилади.

КТП композицияни қўлланилган мўйна қийқимлари конфигурациясининг геометрик чизикларининг жойлашувидан фойдаланиб кийим тайёрлашни ресурстежамкор технологиясининг мослаштириш механизми яратилади. Бу механизмга асосан, агар қийқимлар бир-бирига туташган ҳолда (9-расм, а) жойлашса, пакетни асоси (бўз) юза майдонини деярли мўйна қийқимлари қоплаб олиши натижасида пакет калинлашади ва унинг ҳаво ўтказувчалиги пасайиб, иссиқ сақлавчи хусусияти ортади, шунинг учун бундай жойлашувга эга қийқимлардан иборат пакет иссиқ сақловчи бўлади.


Қийқимлар бир-бирига нисбатан маълум масофада бир-бирдан узоқроқ ҳолда (9-расм, б) жойлашса, мўйнали қатламни асос (бўз) юзасини қоплаш майдони камайиб, қатлам юпқалашади (асос-бўз ва попоп чок қолади) ва майинлашади натижада пакетнинг ҳаво ўтказувчалик хусусияти ортиб боради, шунинг учун бундай жойлашувга эга қийқимлардан иборат пакет ҳаво ўтказувчан бўлади (9-расм).



а) б)

а-қийқимларни бир-бирига туташган ҳолда жойлаштириш (иссиқ сақловчи);  
б-қийқимлар орасида бўшлиқ ҳосил қилиб жойлаштириш (ҳаво ўтказувчан).

**9-расм. Мўйна қийқимларини асосга елимлаш механизми.**



**10-расм. Занжирсимон попоп чок ёрдамида тайёрланган декоратив намуналар.**


Тайёрланадиган буюмлар матонинг асосига ва мўйна турига боғлиқ бўлиб бу ишда намуна сифатида бўз матоси олинган (10-расм).

Шундай қилиб, табиий мўйнали пакети (тўқимачилик асос (бўз)+мўйна қийқимлари+КТП композиция+попоп чок)дан тикув буюмларини тайёрлаш учун ишлаб чиқилган усулни қўллаш юқори сифатли, гигиеник хоссаларга эга, шакл барқарорликни таъминлайдиган, материал сарфини камайтирадиган ва кўп меҳнат талаб қиладиган буюмларни кўшимча деталларидан фойдаланилмасликни ва кўп миқдордаги технологик жараёнлардан воз кечишни тақозо этади.

Диссертация ишининг «**Табиий мўйнадан ресурстежамкорлик асосида устки кийимларни тайёрлашнинг инновацион усулини яратиш**» деб номланган учинчи бобида коллаген асосли полимер композицияни қўллаб табиий мўйнали пакетдан устки кийим тайёрлашнинг янги усулини ишлаб чиқиш, табиий мўйна пакетидан аёллар устки кийими тайёрлашда фойдаланиладиган материаллар физик-механик хоссаларининг тадқиқоти, табиий мўйна пакетининг ҳаво ўтказувчанлигини Корреляцион боғланишларининг назарий таҳлили, турли материаллардан табиий мўйна пакетининг физик-механик ва гигиеник хоссаларини аниқлаш, турли материаллардан табиий мўйна пакетининг физик-механик хоссаларини

аниқлаш, табиий мўинадан тайёрланган буюм пакетларининг гигиеник хоссаларини тадқиқ қилиш усуллари, турли материаллардан табиий мўина пакети (тўқимачилик асос (бўз)+мўйна қийқимлари+КТП композиция+попоп чок)нинг физик-механик ва гигиеник хоссаларининг солиштирма тадқиқоти, табиий мўйна пакетидан устки кийимларни тайёрлашнинг технологик усуллари ишлаб чиқилган.


Мўйна ярим фабрикатларининг хусусиятларини инобатга олиб, уларга ишлов бериш жараёнлари II-босқичга бўлинади: I-босқич катта бўлакли мўйна ярим тайёр маҳсулотларидан буюм тайёрлаш. II-босқич кичик бўлакли мўйна ярим тайёр маҳсулотларидан буюм тайёрлаш (11-расм).



**11-расм. Табиий мўинадан аёллар устки кийимини тайёрлашнинг II-босқичли технологик схемаси.**




Табиий мўйна пакети (тўқимачилик асос-бўз+мўйна қийқимлари+КТП композиция+попоп чок) намуналарининг физик - механик хоссалари кўрсаткичлари тикув буюмлари тайёрлашда кенг қўлланилади ва уларни сифатини баҳолашда муҳим рол ўйнайди. Тажриба давомида мавжуд технология асосида тайёрланган табиий мўйна пакетлари намунаси ва тавсия этилаётган технология асосида тайёрланган табиий мўйна пакетлари намуналарининг массалари аниқланган (12-расм).




12-расм. Табиий мўйна пакетларининг 10 см<sup>2</sup> га тенг бўлган намуналарининг массалари бўйича олинган кўрсаткичлар гистограммалари.

Тажриба давомида мавжуд технология асосида тайёрланган табиий мўйна пакетлари намунаси ва тавсия этилаётган технология асосида тайёрланган табиий мўйна пакетлари намуналарининг чўзишдаги узилиш кўрсаткичларининг графиклари қурилди (13-расм).




13-расм. Табиий мўйна пакетларининг чўзишдаги узилишларини ўлчашда олинган кўрсаткичлар гистограммалари.

Тажриба давомида мавжуд технология асосида тайёрланган табиий мўйна пакетлари намунаси ва тавсия этилаётган технология асосида тайёрланган табиий мўйна пакетлари намуналарининг узиш кучи кўрсаткичларининг графиклари қурилди (14-расм).



14-расм. Табиий мўйна пакети намуналарининг узиш кучига чидамлилик гистограммалари.

Тажриба давомида мавжуд технология асосида тайёрланган табиий мўйна пакетлари намунаси ва тавсия этиладиган технология асосида тайёрланган табиий мўйна пакетлари намуналарининг ҳаво ўтказувчанлик графиклари қурилади (15-расм).




15-расм. Табиий мўйна пакетларининг ҳаво ўтказувчанлиги бўйича олинган кўрсаткичлар гистограммалари.

Тайёрланган табиий мўйна пакети намуналарининг физик-механик хоссалари бўйича олинган натижалари статистик жиҳатдан таҳлил қилиниб, Корреляцион боғланишларининг назарий таҳлиллари келтирилган.

*Ҳаво ўтказувчанлик катталиги учун чизиқли регрессия тенгламаси;*


Регрессия тенгламаси  $y = 2.92x + 0.3122$  қатлам қалинлиги билан ҳаво ўтказувчанлик орасида корреляцион боғланиш мавжуд бўлиб, юқорида келтирилган регрессия тенгламаси ўринли бўлади. Келтирилган тенгламага асосан унинг графиги қурилади (16-расм).



**16-расм. Ҳаво ўтказувчанликнинг қатлам қалинлиги билан тажрибадаги (1 чизиқ) чизиқли регрессия (2 чизиқ) боғланиш графиклари.**

*Узилиш кучи учун чизиқли регрессия тенгламаси.*


Регрессия тенгламаси  $y = 129.45x + 24.07$ ,  $t > t_{9,95,8}$  тенгсизлик бажарилгани сабабли қатлам қалинлиги билан узилиш кучи орасида корреляцион боғланиш мавжуд бўлиб, юқорида келтирилган регрессия тенгламаси ўринли бўлади. Келтирилган тенгламага асосан унинг графиги қурилади (17-расм).



**17- расм. Узилиш кучининг қатлам қалинлиги билан тажрибадаги (1 чизиқ) чизиқли регрессия (2 чизиқ) боғланиш графиклари.**

*Мўйна пакетининг массаси учун чизиқли регрессия тенгламаси.*

Регрессия тенгламаси  $y = 3.25x + 0.983$ ,  $t > t_{9,95,8}$  тенгсизлик бажарилганлиги сабабли қатлам қалинлиги билан пакет массаси орасида корреляцион боғланиш мавжуд бўлиб, юқоридаги регрессия тенгламаси ўринли бўлади. Келтирилган тенгламага асосан унинг графиги қурилади (18-расм).



**18-расм. Мўйна пакетининг қатлам қалинлиги билан тажрибадаги (1-чизиқ) чизиқли регрессия (2 чизиқ) боғланиш графиклари.**




19-расм. Табиий мўйна пакетидан тайёрланган аёллар устки кийимининг олд томонидан кўриниши.

Тажриба асосида олинган табиий мўйна пакети намуналарининг физик-механик ҳамда гигиеник хоссалари орасидаги фарқлар солиштирилганда таклиф этилаётган технология асосида тайёрланган мўйна пакети намуналарининг барча кўрсаткичлари мажбур технология асосида тайёрланган табиий мўйна пакети намуналаридан анча юқорилиги аниқланди.

Таклиф этилаётган технология асосан мўйна чиқиндиларидан буюм тайёрлашнинг технологик

жараёнлари шакллантирилган. Усулнинг иқтисодий самарадорлиги анча юқори бўлиб, ишлов бериш жараёнлари соддалаштирилган (20-расм).

Диссертациянинг «Табиий мўйнадан тикув буюмларини тайёрлаш усулини корхона шароитида апробациядан ўтказиш, жорий этиш ва иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш» деб номланган тўртинчи бобида табиий мўйна пакетидан аёллар устки кийимини янги технологияси



20-расм. Табиий мўйнадан аёллар уст кийимини ишлаб чиқаришнинг умумлашган солиштирма технологик графи.

«Меховая мода» ва «Узоқ» МЧЖ корхоналарида апробациядан ўтганлиги, табиий мўйна пакетадан аёллар кийимининг саноат намунасини тайёрланганлиги, кийимни кийиб юриш орқали тажрибада синаш ҳамда табиий мўйна пакетидан аёллар устки кийимини инновацион ресурстежамкор технологиясини жорий этилиши натижасида иқтисодий самарадорликлар ҳисоби келтирилган. Табиий мўйнадан аёллар кийими саноат намунасини тайёрлаш тавсия этилган янги ресурстежамкор технологик кетма-кетлик асосида корхона шароитида ишлаб чиқилди.

Янги технология асосида табиий мўйна қийқимларидан аёллар устки кийимини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш бўйича маҳсулот таннари пасайиши ҳисобидан иқтисодий самарадорлик:

«Меховая мода» МЧЖ корхонасида:

$$\Delta = [(C_1 + E_H K_1) - (C_2 + E_H K_2)] \times A = [(6092889,6 + 0,15 \times 0,055) - (3640873,8 + 0,15 \times 0,095)] \times 500 = (6092889,60825 - 3640873,81425) \times 500 = 1\,226\,007\,897 \text{ сўм.}$$

Янги технология асосида аёллар уст кийимини ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича умумий йиллик иқтисодий самарадорлик: 1 226 007 897 сўм.

Янги технология асосида табиий мўйна қийқимларидан аёллар устки кийимини ишлаб чиқаришга тадбиқ этиш бўйича маҳсулот таннари пасайиши ҳисобидан иқтисодий самарадорлик: «Узоқ» МЧЖ корхонасида:

$$\Delta = [(C_1 + E_H K_1) - (C_2 + E_H K_2)] \times A = [(5178956,2 + 0,15 \times 0,055) - (3094742,7 + 0,15 \times 0,095)] \times 500 = (5178956,20825 - 3094742,71425) \times 500 = 1\,042\,106\,747 \text{ сўм.}$$

Янги технологияни аёллар уст кийимлари (ярим пальто)ни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича умумий йиллик иқтисодий самарадорлик: 1 042 106 747 сўм.

Тажрибалардан кўриниб турибдики, тавсия этилаётган технология асосида ишлов берилган устки кийим ресурстежамкорлиги, тайёрланиш технологиясининг оддийлиги, ишлаб чиқариш унумдорлигининг юқорилиги билан фарқ қилади.

## ХУЛОСА

1. Табиий мўйнадан аёллар устки кийимини тайёрлаш технологиясининг таҳлили шуни кўрсатадики, мўйна пакетли кийимларнинг сифатини яхшилайдиган ва ундан кийим шаклини яратишга таъсир қилувчи асосий омиллар терининг зичлиги ва қаттиқлиги ҳисобланиб, бу хоссалари тўқимачилик материалларидан фарқли равишда мўйнали кийим ишлаб чиқариш жараёнида ресурстежамкор технологияси шакллантирилди.

2. Аёллар кийимини тайёрлашда бир нечта технологик жараёнлардан ўтган табиий мўйна қийқимлари фойдаланилди, табиий мўйна пакетидан тайёрланган буюмнинг гигиеник хоссалари жуда юқори кўрсаткичларга эга эканлиги тажриба синов вақтида маълум бўлди.

3. КТП композицияни қўллаб табиий мўйнадан тайёрланган кийимлар пакетини шакллантириш усуллари ишлаб чиқилди, полимер композициянинг тери тўқимасига сингиши натижасида мўйнанинг шаклбарқарорлик хусусиятлари мустаҳкамланди ва яхшиланди.

4. Ресурсларни тежайдиган технологиялар асосида табиий мўйнадан истеъмолчиларнинг турли хил жинс ва тўлалик гуруҳларига оид буюмларини тайёрлашда уларнинг комбинацияларидан, тери тўқимасининг турли хил тузилишларидан, безак турларидан фойдаланиш ишлаб чиқариш сифатини яхшилашга ва шу билан бирга механик, физик ҳамда бошқа хусусиятларга эга материалларни ишлаб чиқаришга имкон беради.

5. Янги технология асосида тайёрланган табиий мўйна пакетидан аёллар устки кийимининг синов партиялари корхоналар шароитида амалга оширилди ва таклиф этилган технология асосида тайёрланган маҳсулотлар гигиеник, эстетик ва эксплуатацион талабларга тўлиқ жавоб беради.

6. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида табиий мўйна пакетидан аёллар устки кийимини тайёрлаш технологияси маҳсулот сифатини оширишга, ишлов бериш вақт сарфини камайишига, ресурстежамкор технология асос бўлиб хизмат қилади, таклиф этилган усулга Россия Федерациясининг ихтиро учун патенти олинган.

7. Табиий мўйнадан аёллар устки кийимини тайёрлашнинг яратилган янги ресурстежамкор технологияси оддийлиги, ишлаб чиқариш унумдорлигининг юқорилиги, тавсия этилаётган технологиядан фойдаланишда кийимнинг эксплуатация жараёнида қулайлиги билан фарқ қилиб, ишлов бериш жараёнларининг қисқаришига олиб келади, шу билан бирга меҳнат сарфи камайиб, “Меховая мода” ва “Узоқ” корхоналарида бир йиллик иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи 2 268 114 644 сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ  
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

---

**БУХАРСКИЙ ИНЖИНИЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**ТЕМИРОВА ГУЛНОЗ ИБОДОВНА**

**РАЗРАБОТКА СПОСОБА ИЗГОТОВЛЕНИЯ ВЕРХНЕЙ ЖЕНСКОЙ  
ОДЕЖДЫ ИЗ НАТУРАЛЬНОГО МЕХА**

**05.19.04 – Технология швейных изделий и дизайн костюмов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент–2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2021.2.PhD/T247

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентского института текстильной и легкой промышленности ([www.titli.uz](http://www.titli.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:**

**Ташпулатов Салих Шукрувич**  
доктор технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Нигматова Фатима Усмановна**  
доктор технических наук, профессор

**Исмоилова Раъно Музаффаровна**  
доктор PhD, доцент

**Ведущая организация:**

**Наманганский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «10» июля 2021 года в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100., г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 2 этаж, 22.2-аудитория, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: [titlp\\_info@edu.uz](mailto:titlp_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована №99). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «26» июня 2021 года.  
(реестр протокола рассылки №99 от «26» июня 2021 года).



**И.К.Сабиров**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н.

**А.З.Маматов**

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н.

**И.А.Набиева**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н.



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Одним из приоритетных направлений решения экологических проблем в мире является создание инновационных технологий, позволяющих экономить ресурсы или использующих их на основе совершенствования существующих технологий, реализации программ энергосбережения и ресурсосбережения. В настоящее время все большее значение приобретают проблемы ресурсосбережения (с использованием вторичного сырья), разработки и внедрения экологически чистых технологий на промышленных предприятиях. В ряде стран, в том числе в Узбекистане, использование природных ресурсов, в частности натурального меха, важно как стратегическое направление развития промышленности и защиты окружающей среды.

В настоящее время производство готовой промышленной продукции из местного натурального меха и отходов каракуля, совершенствование новых наукоемких технологий, повышение их эффективности - один из ключевых факторов улучшения социально-экономических условий республики.

Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития страны предусматривает, в частности, «... поднятие отрасли на качественно новый уровень, переработку местных источников сырья, ускорение производства готовой продукции, импортозамещающие конкурентоспособные внутренние и внешние рынки с использованием принципиально новых вторичных ресурсов, освоение и внедрение современных технологий, обеспечивающих производство товаров народного потребления и достижение экономической эффективности»<sup>2</sup>. В связи с этим исследования направлены на использование коллагенсодержащих полимерных композиций, на основе ресурсосберегающих технологий, основанных на применении современных технологий и эффективных методов переработки существующего вторичного сырья, обеспечение устойчивой работы предприятий по выпуску различного ассортимента.

Тема диссертационного исследования соответствует Постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 марта 2018 г. № ПП-3603 «О мерах по ускорению развития каракульской отрасли» и 18 марта 2019 г. ПП-4243 «О мерах по дальнейшему развитию и поддержке животноводческой отрасли» и в определенной степени способствует выполнению задач, поставленных в решениях и других нормативных актах, связанных с данной отраслью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики II. «Энергетика, энергия и ресурсосбережение».

---

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г.

**Степень изученности проблемы.** Научным исследованиям по совершенствованию технологии обработки кожи и меха, созданию научных основ технологии производства готовых изделий из них посвящены работы учёных: Е.Х.Меликова, Ф.М.Пармона, Е.Г.Андреевой, И.В.Черуновой, Л.В.Лопасовой, Л.А.Терской, Г.П.Зарецкой, Е.М.Базаева, Н.Б.Рыковой, Э.И.Токторбаевой, Е.В.Шкабровой, Э.В.Табитуевой, И.И.Сячина, Я.С.Эткина, Р.Р.Абдырасуловой, И.Л.Найдановой, З.П.Марсаковой, Е.М.Петровой, А.Ш.Аппакова, С.В.Голичкова, А.А.Головтеевой, Е.Н.Василенко, Н.А.Ибрагимовой, Ж.Ю.Койтовой, Н.С.Викторовой, М.Петтенкофера, А.В.Доброславина, М.Рубнера и др.

Исследованиям по использованию коллагенсодержащих полимерных композиций в производстве меховых изделий посвящены работы С.Ш.Ташпулатова, Т.Ж.Кадирова, М.И.Темировой, Ф.Ф.Казакова и других учённых по использованию коллагенсодержащей полимерной композиции.

